

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Чортоқ туман ирригация бўлими

бошлиғи  А.Файзиев

21 июл 2022 йил



БУЮРТМАЧИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЧОРТОҚ ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БЎЛИМИ

Наманган вилояти Чортоқ тумани "Баланд адир" массивидаги
иссикхоналарнинг мавжуд мавжуд сув ховузига геомембрана сотиб
олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чортоқ туман

І-Бўлим

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИКНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Чортоқ туман ирригация бўлими геомембрана сотиб олиш учун
 - 1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Чортоқ туман ирригация бўлими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Чортоқ тумани А.Навоий МФЙ Истиклол кўчаси 6 уй
- 2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Наманган вилояти, Чортоқ туман, Обод диёр МФЙ Баланд адир Массиви ҳудудидаги "Баланд адир" массивидаги иссиқхоналарнинг мавжуд сув ховузига геомембрана сотиб олиш учун "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсати бутилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми; Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензиата эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафаси датурганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойихда ҳужжатлари, хусусан, лойихдани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утқазиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар в аҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура узбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қурсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлиқ қурсаткичлар қурсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлартулик, бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланқада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлови штирокчиси:

-факат бита таклиф бериши мумкин;

- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар бўлади;

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНДАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиби штирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларн иҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлатбуюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга м а ж б у р д и р.

6. БОШКА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этишу чун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга хаами. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш купи ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришларларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон килинади.
- 6.4. Танловни исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтир ишларни тақдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.